

Гиёхвандликка қарши курашиш бўйича “Долзарб ойлик”

Жорий йилнинг 1-31 октябрь кунлари вилоятимиз бўйлаб гиёхвандликка қарши курашиш бўйича “Долзарб ойлик” идоралараро комплекс чора-тадбирлар ўтказилиши белгиланган.

Гиёхвандликка қарши курашиш бўйича “Долзарб ойлик” доирасида Данғара тумани ҳокимлигида таназзулга бошловчи мазкур иллатга қарши курашиш, уни аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида олдини олиш масалаларига қаратилган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олганлар ёшларни гиёхвандлик ва оғуфурушликдан ҳамда турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш энг долзарб вазифа экани алоҳида таъкидланиб, бу иллатга қарши курашишда ҳамкор ташкилотларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб бориши ўта муҳим аҳамият қасб этиши ҳақида тўхталинди.

Ўқувчи ва талабалар орасида кучли таъсир қилувчи дориларни истеъмол қилишга муросасиз муносабатни шакллантириш, таълим муассасаларида психофаол моддалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган янги таъсирчан тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий-профилактик тадбирларни “Долзарб ойлик” давомида ўтказиб бориш кераклиги айтилди.

2024-10-03 17:09:31